

## Кириш

Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш даражасида хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Турли мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, хорижий мамлакатлар фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари билан шартномавий муносабатларга киришишда эса ўша давлатлар қонунчилиги, ҳуқук тизими тўғрисида билим ва ҳуқуқий тасаввурларга эга бўлиш шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Қолаверса, глобаллашув шароитида трансчегаравий иқтисодий муносабатларнинг кенгайиб бораётганлиги, турли давлатларнинг тадбиркорлик тузилмалари ўз инвестицияларини хорижий мамлакатларга киритаётганлиги ҳамда трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиб бораётганлиги ҳуқуқшунос мутахассис, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг хорижий мамлакатлар фуқаролик ҳуқуки тўғрисида тушунча ва билимларга эга бўлишлари тақозо этади. Шунингдек, жисмоний шахс (фуқаро)лар ҳам мулкий ёки шахсий номулкий муносабатлар орқали хорижий мамлакатлар билан боғланган ҳолатларда ҳам шу давлатнинг ашёвий-ҳуқуқий, мажбурият-ҳуқуқий ҳамда интеллектуал мулк ва ворислик ҳуқуки тўғрисида тушунчага эга бўлса, бу ҳолат унинг учун фойдадан холи бўлмайди.

Шу сабабли хорижий мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқининг умумий тавсиф, деб номланган ушбу илмий-оммабоп рисолада бир қатор ривожланган давлатлар АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларнинг фуқаролик ҳуқуқига умумий тавсиф берилади ҳамда айрим ўринларда Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёсланади.